



## ШАХСНИНГ КАСБГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШИ, ЛАЁҚАТИ ВА ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ АМАЛИЙ ЎРГАНИШДА ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ

Бекчанова Солиха Давлатназаровна

Бухоро давлат тиббиёт институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7353435>

### ARTICLE INFO

Received: 14<sup>th</sup> November 2022

Accepted: 20<sup>th</sup> November 2022

Online: 24<sup>th</sup> November 2022

### KEY WORDS

Лаёқат, қобилият, касбга  
йўналтириш, таъхис,  
таксономия, тест.

### ABSTRACT

*Шахсни касб-хунарга йўналтириш борасидаги Ўзбекистон, Россия, АҚШ, Буюк Британияда қўлланилувчи методикалар ҳақида сўз юритилган. Ўзбекистонда психология фани бўйича жаҳондаги илғор тажрибанинг ўзлаштирилиши хусусиятлари очиқ берилган.*

Психология фанида лаёқат ва қобилиятларни ўрганиш амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу психологик хусусиятларни ўрганиш орқали ёшларнинг келажакдаги касбхунар фаолиятини тўғри танлашига замин яратилади.

Зеро, шахснинг туғма лаёқатлари ўз вақтида таъхис қилинса, улар қобилият даражасигача шакллантирилса, кейинчалик юқори даражада намоён бўлган қобилиятлар асосида касбхунар танланса, шахснинг фаолият самарадорлиги ҳам юқори даражада намоён бўлади. Бу эса ўз навбатида жамиятимизнинг ривожланишига туртки бўлади. Ушбу боғлиқлик босқичларини 1-расмда акс эттириш мумкин. Лекин 1-расмда тасвирланган жараён табиий равишда ўз-ўзидан содир бўлмаслиги ҳам мумкин. Яъни туғма лаёқатлар илганмасдан қолиши ёки намоён бўлган лаёқат қобилият даражасигача шакллантирилмаслиги, ёки шаклланган кучли қобилиятлар ҳисобга олинмаган

ҳолда мутлақ бошқа касб-хунарни эгаллаш ҳолатлари ҳам жамиятимизда афсуски учраб турибди. Бунинг оқибатида эса шахснинг меҳнат фаолиятида муваффақият қозонмаслиги туфайли у жамият ривожига ҳеч қандай улуш қўша олмаслиги ва ҳатто ривожланишни орқага тортишига ҳам олиб келиши мумкин. Пирамиданинг энг пастки қатламида кўрсатилган туғма лаёқатлар, қобилиятларни таъхис қилиш психология фани мутахассисларининг зиммасига юкланган. Ўзбекистон Республикасида шахснинг касбга бўлган қизиқиш, лаёқат ва қобилиятларини ўрганиш хусусиятлари Республикамизда шахснинг лаёқат ва қобилиятларини ўрганиш узлуксиз таълимнинг умумий ўрта таълим босқичида амалга оширилади. Бу фаолият асосан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги «Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик таъхис маркази»



фаолияти билан белгиланган жараён дир. Умумий ўрта таълим тизимидаги касбга йўллаш ишларини ўрганиш орқали аниқландики, 2012-2013 ўқув йилидан бошлаб ўқувчиларни қуйидаги методикаларни такомиллаштирилган вариантлари асосида касб-хунарга йўналтириш тавсия этилган: 1. Қизиқишлар анкетаси. 2. Касб танлаш мотивини аниқлаш. 3. Касб типларини аниқлаш. 4. Касбий мойиллик сўровномаси. Демак, республикамызда шахснинг касбга бўлган лаёқат ва қобилиятлари кўпроқ айнан шу тестлар доирасида ўрганилади. Шу билан бирга юртимизда чоп этилган мутахассислик адабиётларини таҳлил қилар эканмыз, бугунги кунда касбга йўллашда ёрдам берувчи қуйидаги хорижий психологик усуллар юртимизда мослаштирилганлиги, стандартлаштирилганлигининг гувоҳи бўламиз. Булар Р.Б.Кэттелнинг «16 омилли шахс сўровномаси», Равеннинг прогрессив матрицалари, Г.Ю.Айзенкнинг «Экстраверсия-интроверсия ва нейротизимни ўрганиш» ва интеллектни ўрганиш тестлари, Векслер шкаллари ва бошқалар дир<sup>1</sup>. Россияда шахснинг касбга бўлган қизиқиш, лаёқат ва қобилиятларини ўрганиш хусусиятлари Россия МДХ давлатлари орасида фан ва технологияларни ривожлантириш бўйича етакчи ўринда турса-да, у ерда ўқувчиларнинг лаёқат ва қобилиятларини ташхис қилиш масалалари бўйича йўлга қўйилган ишларни ҳозирча мукамал дейиш қийин. Сабаби Россия ўрта мактабларида касбга йўналтириш ишларини режалаштириш ва уларни

амалга оширишда методикаларни танлашни ҳар бир мактаб ўзи алоҳида ҳал этади<sup>2</sup>. Яъни бу борада ягона тизим ишлаб чиқилмаган. Ҳозирги кунда ўқувчиларнинг касбга бўлган қизиқиш, лаёқат ва қобилиятларини ўрганишда Россия ўрта мактабларида асосан қуйидаги психологик усуллардан фойдаланилмоқда.

АҚШда шахснинг касбга бўлган қизиқиш, лаёқат ва қобилиятларини ўрганиш хусусиятлари Америка Қўшма Штатларида «профорентация», яъни «касбга йўналтириш» атамаси мавжуд эмас, бунинг ўрнига «мартабани ривожлантириш» (Career Development) ибораси қўлланилади. Касб-хунарга йўллаш АҚШда яхши тайёрланган мутахассислар томонидан махсус марказларда олиб борилади. Уларнинг ахборот ва услубий таъминотини қудратли, деб баҳолаш мумкин. Жумладан, касб-хунарлар ҳақидаги тўлиқ маълумотлар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан «The Occupational Information Network (O\*NET)» (Касб-хунар ахборот тармоғи) деб номланган интернет саҳифасида анча мукамал ишланган<sup>3</sup>. Мазкур тармоқда қизиқишлар қуйидаги турларга бўлинган: 1. Реалистик. 2. Тадқиқотчилик (изланувчилик). 3. Артистик. 4. Ижтимоий. 5. Тадбиркорлик. 6. Анъанавийлик (маълумот ва тафсилотлар билан ишлаш). Демак кўринадики, мазкур бўлинма Холланднинг касб-хунар коди<sup>4</sup> асосида амалга оширилган. Тармоқдаги қобилиятлар эса машҳур Э.Флейшманнинг «Инсон фаолияти таксономияси»<sup>5</sup> асосида таснифланган. Ушбу услубга кўра инсон қобилиятларининг сони 52 тани



ташкил этган. Scopus, Science Direct, Web of Science ва Google Scholar каби энг ишончли илмий адабиётлар ва мақолаларнинг базасида жойлашган инглиз тилидаги 100 дан ортиқ адабиётларни таҳлил қилиш вақтида «профессиограмма» атамасини ҳам учратмадик. Лекин бу муаммо билан «job analys», яъни «фаолият таҳлили» атамаси остида иш олиб борилишига гувоҳ бўлдик. Шу билан бирга энг катта профессиограмма O\*NET тармоғида акс этишини ҳам эътироф этиш зарур. Чунки унда АҚШда мавжуд бўлган 1100дан ортиқ касб-хунар ягона таксономия (2010 йил) асосида тўлиқ ёритилиб берилган. Унда барча касблар бўйича ишчининг характеристикалари, иш, тажриба талаблари, касбга оид специфик маълумотлар, ишнинг умумий характеристикаси, касбий талаблар ва ҳатто ҳозирги кундаги мазкур касб доирасида олинган ойлик даромад миқдори ҳам акс эттирилган. Бу маълумотларнинг барчаси ўз вақтида янгиланиб, тўлдирилиб борилади. Ёшларни касб-хунарга бўлган қизиқиш, лаёқат ва қобилиятларини ўрганиш ва касбхунарга йўллаш мақсадида АҚШ олимлари томонидан кўплаб психологик усуллар ишлаб чиқилган. Бундай усуллар нафақат яқка олимлар, балки бутун бир компанияларда кўп сонли мутахассислар иштирокида ишлаб чиқилиши яхши йўлга қўйилган. Касбга йўллашда ҳозирги даврда АҚШда қўйидаги психологик усуллар кенг тарқалган ҳисобланади: 1. Маерс-Бригс (Myers-Briggs) шахс типи индикатори. Бу усул ривожланган давлатларда яхши таниш бўлган тест бўлиб, 93 та саволдан иборат. Мазкур тест 4 та дихотомия

бўйича (масалан, эктроверсия (Э) ёки интроверсия (И); сезги (С) ёки интуиция (Иц); фикрлаш (Ф) ёки ҳис этиш (Х); ва б.) асосий хусусиятларни 16 хил шахснинг турли типларини акс эттиради. Мазкур тестни юртимизда чоп этилган «Психодиагностика» китобидаги «Социотипларни ўрганиш методикаси»га жуда ўхшашлигини кўриш мумкин. Бироқ унда тўртликлар сон кўринишида ифода этилган. Масалан, 1357 – «Нозир», 1468 – «Мураббий» ва ҳоказо.

1. Кейрси темперамент саралаш тести

2. Мазкур тест шахсларни одатий темперамент турларига эмас, балки қуйидаги 4 хил «темперамент»га бўлади: посбон, идеалист, идрокли ва хунарманд. Саволлар сони 71 тани ташкил этади ва асосан инсонлар ўзаро қандай мулоқотга киришиши, уларнинг ҳаракати нимани билдиришини ўрганади.

3. «Қадриятлар тести» усули. Бу усул шахснинг мотивацияси, касбга нисбатан қадриятларини ўрганади. Мазкур тестни бажариш жараёнида 739 хил касб-хунарни кўриб чиқиш мумкин.

4. «Катта бешлик»4. Бу тест юртимизда ҳам мослаштирилган ва стандартлаштирилган. Тест 75 жуфт мулоҳазалар тўғри ва нотўғри, шахснинг яхши ёки ёмон хислатларини ифодалашга мослашган бўлиб, шахснинг қиёфасини беш омил асосида ўрганишга қаратилгандир.

5. Эдвад Стронгнинг «Касб-хунар карталари»6. У шахснинг кенг миқёсдаги қизиқишлари, жумладан, касб-хунарлар, фаолият турлари, бўш вақтидаги фаолият ва мактабдаги фанларга бўлган қизиқишларини



аниқлаб беради. Ундан 80 йил мобайнида фойдаланиб келинмоқда.

6. «Карьерскоп» усули. Бошқа усуллардан фарқли равишда у шахснинг қизиқишларини ва лаёқатини аниқлашга хизмат қилади.

7. «Шахсий потенциални мотивацион баҳолаш тести (МАРР)» 871 та саволдан иборат бўлиб, шахснинг специфик иш фаолиятларига нисбатан мотивациясини аниқлайди. Уларда асосан 3 хил фаолият (машинада ишлаш, синфда ўқитиш ва дам олишни режалаштириш) доирасида танлов балл кўринишида амалга оширилади, берилган ҳар бир рўйхатдан 3 таси танлаб олинади. Бу тест шахсга нима қилиш ёқиши, ёқмаслиги ва касб-хунарлар рўйхатидан унга мосини аниқлаб беради.

8. Холланднинг 6 хил касб-хунар методи хорижда ҳали ҳам машҳур. Бизнинг юртимизда ҳам «Касб типларини аниқлаш» номи билан умумий ўрта мактаб ўқувчиларини касбга йўллаш фаолиятида ундан кенг фойдаланилади.

9. Флейшманнинг фаолият таҳлили усули.

10. Е.А.Флейшман ўзи ишлаб чиққан қобилиятлар таксономиясига асосланиб 52 хил қобилият, 72 хил малакани баҳолаш усулларига таяниб ҳар бир фаолият юзасидан тест таҳлилини келтиради. Булардан ташқари, лаёқатни ўрганишга мўлжалланган «Умумий лаёқат тест батареялари», «Дифференциал лаёқат тестлари» алоҳида фанлар бўйича (математика, физика ва бошқалар) лаёқатларни ўрганишга қаратилган тестлар ҳам кўп қўлланилади. Кўп сонли методикаларнинг мавжудлиги касб-хунар танлашга шайланган шахсни

қийин аҳволга солмайди, яъни «Қайси методикани танлашим керак?» деган савол уни қийнамайди. Чунки шахснинг касб-хунар танлаши масалалари билан фақат махсус дипломга эга бўлган мутахассисларгина шуғуллана оладилар. Улар эса ўз ўрнида методикаларни танлашга профессионал нуқтаи назардан ёндашадилар. Санаб ўтилган психологик усуллар нафақат шахсни касбга йўналтиришда, балки ишчи ва ходимларни муайян фаолият учун саралаш жараёнида ҳам кенг қўламда жиддий ёндашган ҳолда қўлланилади.

Буюк Британияда касбга йўллашда қўлланилувчи тестлар Буюк Британияда Джим Барретнинг «Ишончли лаёқат тести» машҳурдир. Унинг мақсади, асосан, шахс интеллектининг умумий қуввати ва йўналишларини ўрганишга қаратилгандир. Шу билан бирга 1-жадвалдаги методикалар махсус марказларда қўлланилади.123456 Бундан ташқари, тадбиркорликка оид лаёқатларни ўрганишга қаратилган турли усуллар<sup>7</sup> ҳам қўлланилади. Касбга йўналтириш фаолияти бўйича кўриб чиқилган дунёнинг илғор тажрибалари ичида ҳозирги кунда АҚШни етакчи деб ҳисоблаш мумкин. Уларнинг энг катта ютуғи касб-хунар, қобилиятлар таксономиясининг яратилганлигидир. Чунки таксономия ўз маъносига кўра тартиблаштириш, тизимлаштириш деган мазмунни англатади. Демак, АҚШда ҳозирги кунда касб-хунарга йўналтириш тизими мукамаллашган тизим кўринишида иш юритади. Психология фани доирасидаги ватанимизга етиб келаётган илғор тажрибалар асосан



Россия орқали амалга оширилмоқда. Яъни ривожланган давлатларда бир неча йиллар давомида яратилган ҳақиқий, ишончли психологик тестлар дастлаб рус олимлари томонидан ўзлаштирилмоқда. Улар рус тилига таржима қилиниб, мослаштирилгач, оммалашганидан кейингина бизнинг олимларимиз назарига тушмоқда. Сўнг айримлари ўзбек тилига ўгирилиб, мослаштирилиб ўзимизга татбиқ этилмоқда. Орадан эса анча йиллар ўтиб, бу давр ичида хорижда яна янги усуллар яратилмоқда. Мисол учун Э.Флейшман томонидан 1995 йил эълон қилинган инсон фаолияти таксономияси ҳам, қобилиятлар таксономияси ҳам нафақат Ўзбекистон, балки Россия адабиётларида ҳануз акс этмаган. Ваҳоланки, ушбу таксономияларнинг психология фанидаги аҳамияти жуда катта. Мана шуларни ҳисобга олган ҳолда, биз мазкур мақоламизда АҚШ ва Буюк Британиянинг тажрибасини ёритишда ҳақиқий инглиз тилидаги адабиёт ва манбаларни, айнан ҳозирги кунда амалда бўлган маълумотларни тақдим этишни лозим топдик.

### Хулоса

АҚШда касбга бўлган қизиқиш, лаёқат ва қобилиятларни ўрганиш борасида ва уларни амалиётга татбиқ

этиш доирасида катта ютуқларга эришилган. Булар асосан, Э.Флейшманнинг илмий фаолиятида яратилган инсон фаолияти ва қобилиятлари таксономиясида, касбга йўналтириш ва саралаш тизимининг яхши йўлга қўйилганлигида ва уларнинг хизматларидан интернет орқали фойдаланиш мумкинлигида кўринади. Республикамизда бу масалалар бўйича айрим натижалар бўлса-да, уларни янада такомиллаштириш зарур ҳисобланади. Хорижий давлатларнинг диққатга сазовор натижалари, тажрибаларини ўрганиш тараққиётдан ортида қолмаслик, давр билан ҳамнафас бўлишнинг асосий мезони ҳисобланади. Мақоламизнинг асосий мақсади ҳам шунга қаратилган эди. Буни тезроқ амалга ошириш учун эса албатта, даставвал инглиз тилини мукамал эгаллаш, тегишли хорижий манбаларнинг пулик маълумот базаларидан очиқ фойдаланишни йўлга қўйиш зарур бўлади. Зеро, ўзбек халқининг яширин қобилиятлари ўз тасдиғи, самарали қўлланилиши жойини аниқ ва ўз вақтида топа олса, юртимизнинг янада ривожланишига сабаб бўлиши ҳақиқатдан йироқ бўлмайди.

### References:

1. Дианина Е.В. Российская и зарубежные системы управления профессиональной ориентацией учащейся молодежи: сравнительный анализ. // Журнал «Социодинамика», 2017, № 3. - С. 10-17. URL: [http://e-notabene.ru/pr/article\\_22349.html](http://e-notabene.ru/pr/article_22349.html)
2. Пряжников Н.С. Профориентация в школе: игры, упражнения, опросники (8-11 классы). - М.: ВАКО, 2005. -С. 288.
3. Бодров В.А. Психология профессиональной пригодности. Учебное пособие для вузов. - М.: ПЕР СЭ, 2001.



4. Стрельникова И.Ю. Психомоторные качества и успешность учебно-профессиональной деятельности. // Журнал «Известия Алтайского государственного университета», 2010, №3. –С. 64.
5. Шабалина Е.П. Формирование профориентационно-значимой компетентности будущего специалиста в соответствии с требованиями ФГОС. // «Профессиональная ориентация», 2015, № 2. –С. 27-32.
6. Резапкина Г.В. Скорая помощь в выборе профессии. Практическое руководство для педагогов и школьных психологов. – М.: «Генезис», 2004. -С. 18.
7. Шевирдяева К.С. Особенности выявления готовности обучающихся к самоопределению в процессе учебной деятельности. // Журнал «Вестник Пензенского государственного университета», 2015, № 1(9). –С. 83-87.
8. Карелин А.А. Большая энциклопедия психологических тестов. Монография. 2005. – М.: «ЭКМО».
9. Расулов А.И. Психодиагностика. – Т.: «Mumtoz so'z», 2010. -153-б.
10. Shahob Sharofiddinovich Shodiev. *Academicia An International Multidisciplinary Research Journal "Interpretation of philosophical terms and concepts as an essential subject for linguistic researches of XIX-XX centuries, held in Russia and Europe"* 590-98  
10.5958/2249-7137.2020.01171.4
11. Shahobiddin Sharofiddinovich Shodiev. Bakaev Najmiddin Bakaevich. *expressions..* (2020). The role of the Latin language in the history of world statehood. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 05 (85), 367-372. SoI: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-05-85-71> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS> Scopus ASCC: 1203. THE ROLE OF THE LATIN LANGUAGE IN THE HISTORY OF WORLD STATEHOOD
12. Islam in the evolution of social and political views of the Uzbek Jadids, their role in the formation of the idea of National Independence KB Shadmanov, SS Shodiev, TN Zayniddinovna *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2 (2), 44-50  
2021
13. Shodiyev Shaxobiddin Sharofiddinovich, & Tasheva Nafisa Zayniddinovna. (2021). THE ROLE OF THE WAY OF THE GREAT STEPPE IN THE CONTINUITY AND RELATIONSHIP OF THE PHILOSOPHY AND CULTURE OF THE MUSLIM EAST AND THE RENAISSANCE WEST. *Innovative Academy Research Support Center*, 1(3), 9–13.  
<http://doi.org/10.5281/zenodo.4925956>
14. Shodiev Shahobiddin Sharofiddinovich, & Majitova Nafisa Zokirovna. (2021). IDEAS ABOUT AN IDEAL PERSON, LANGUAGE, PROSPERITY IN THE EVOLUTION OF PUBLIC AND POLITICAL VIEWS OF THE UZBEK JADIDS OF THE BEGINNING OF THE XX CENTURY. *Eurasian Journal of Academic Research*, 1(3), 5–8. <http://doi.org/10.5281/zenodo.4925897>
15. Mirzaeva, A. S. (2022). INTRA-LINGUISTIC AND EXTRA-LINGUISTIC FACTORS RELATED TO THE LANGUAGE AND VOCABULARY OF THE BASIC CONCEPTS OF RENAISSANCE ENGLISH PHILOSOPHY. *Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy and Culture*, 1(5), 9-17.
16. Aziza, M. (2022). THE THEORY OF INTERTEXTUALITY AS A PARADIGM AND THE IMPACT OF THIS THEORY ON TRANSLATION. *Eurasian Journal of Academic Research*, 2(5), 990-995.



17. Мирзаева, А. Ш. (2021). РЕМИНИСЦЕНЦИЯ КАК ЭЛЕМЕНТ ИНТЕРТЕКСТУАЛЬНОСТИ В ПРОИЗВЕДЕНИИ РИКА РИОРДАНА "PERCY JACKSON AND THE LIGHTNING THIEF". МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА, 4(3).
18. Mirzaeva, A. S. (2022). THEORY IN INTERTEXTUALITY AND THREE SEAMLESS INTERTEXTS: M. BUTTERFLY BY DAVID H. HWANG, AS IS BY WILLIAM M. HOFFMAN, AND EXECUTION OF JUSTICE BY EMILY MANN. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(5-2), 160-165.
19. Mirzaeva, Aziza Shavkatovna THE RELATION BETWEEN INTERTEXTUALITY AND TRANSLATION // *ORIENS*. 2022. №5-2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/the-relation-between-intertextuality-and-translation>.
20. Shodiev S. S., Shigabutdinova D. Y. Shakespearean lexicon: the word reason as a designation of the concept of the ability of the human mind to abstraction inference // *Innovative potential for the development of science in the modern world*. – 2020. – С. 189-197.
21. Шодиев Ш.Ш., and Бакаев Н.Б. "ПРОБЛЕМА СУЩНОСТИ ЧЕЛОВЕКА В «ГАМЛЕТ»Е ШЕКСПИРА ". *Central Asian Journal of Theoretical and Applied Science*, Vol. 2, no. 2, Mar. 2021, pp. 104-12, <https://cajotas.centralasianstudies.org/index.php/CAJOTAS/article/view/82>.
22. G.N. Development of professional thinking of students through pedagogical communication Monograph "Durdona", Bukhara-2021.
23. Kurbanova G.N. Pedagogical and psychological bases on developing students' professional thinking in medical pedagogical education. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, Vol. 24, Issue 06, 2020. 3059-3067
24. Kurbanova G.N. The role of ancestral heritage in the development of professional thinking of future professionals *International Scientific Journal Theoretical & Applied Science* p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) Year: 2020 Issue: 01 Volume: 81 Published: 30.01.2020 <http://T-Science.org>. SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863
25. Курбанова Г.Н. Развитие профессионального и оперативного мышления будущих специалистов в образовательном процессе. *Neurodynamics журнал клинической психологии и психиатрии*// Т.2 №1.2020, 50-56.ISSN 2658-7955 Адрес: <https://smu.psychiatr.ru/neurodynamics>